

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Б.Холматова	
Маънавий маданият тараққиётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги	167
А.Шарафиддинов	
XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқон шаҳри аҳолиси ва унинг ўсиш динамикаси.....	170
Д.Алиязарова	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги гуманитар алоқалар.....	173
Ш.Мамадалиев	
Болалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бўйича совет ҳокимиятининг фаолияти (1917 – 1921).....	176
М.Мўминова, И.Якубов	
Кетрин Мансфилд ҳикояларидаги ёлғизлик	178
Н.Хошимова	
Ассоциацияларнинг фоносемантик тадқиқи.....	180
Н.Аббасова	
Тил ўргатиш жараёнида инглиз мақол ва маталларини ўқитиш муаммолари.....	183
Ш.Юсупова	
Ўзбек тилига хос асосий диний концептлар ҳақида	187
М.Курбанова, Д.Юсупова	
Замонавий инглиз тилида “to force” феълининг функционал-семантик ва парадигматик тавсифи.....	190
М.Ғофурова	
Инглиз тилида қўлланиладиган варвариизмларнинг функционал – семантик хусусиятлари	193
М.Исломова	
Ҳаёт ҳақиқати ва аллегорик тасвир.....	197
С.Исроилова	
Ҳикоят (притча)нинг бадиий адабиётдаги ўрни.....	200
М.Мадазимова	
Чингиз Айтматов ижодида архетип образлар ва уларнинг функцияси.....	203
М.Ҳожиева	
Назира ва унинг мумтоз адабиёт тарихидаги ўрни.....	206
М.Ходжаева	
Тилнинг товуш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологияси.....	208
М.Қаҳҳорова, Г.Астонова	
Замонавий дарсликларда ёзиш кўникмаларини ривожлантириш усуллари.....	211
Н.Ўринова, З.Жакбарова	
Талабаларда ижтимоий-маданий компетентликни шакллантиришнинг педагогик-психологик муаммолари	214
Д.Ҳайдарова	
Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларининг чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантириш мазмуни.....	217
Ф.Мирзараҳимова	
Чет тилини ўқитишда ижтимоий-маданий воситалардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари.....	220
М.Қурбонова	
Ўқитувчиларни ўқитиш ва психологик таълимнинг устуворликлари	225
	ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ
УСТОЗЛАР САРДОРИ	227
МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИ	231

УДК: 42/48+371.1

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ВОСИТАЛАРДАН Фойдаланишнинг айрим жиҳатлари

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫХ СРЕДСТВ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ

SOME ASPECTS OF THE USE OF SOCIO-CULTURAL TOOLS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE

Ф.Мирзараҳимова

Аннотация

Мақолада чет тилини ўқитиш фаолияти маҳсулдорлигини таъминлашга эришиш техникаси ҳақида фикр юритилган. Муаллифнинг фикрича, хорижий тилни ўрганувчи ўрганилаётган хорижий тилнинг фонетикаси, морфологияси ва лингвистикасини онгли равишда ўзлаштириши ва уларни мулоқотда қўллаш олиши лозим.

Аннотация

В статье представлены рассуждения о технике достижения продуктивности иноязычной учебной деятельности. По мнению автора, студент должен осознанно овладевать фонетикой, морфологией и лингвистикой изучаемого иностранного языка и уметь использовать их в общении.

Annotation

The article gives an idea of the techniques for achieving the productivity of foreign learning activities. According to the author, a foreign learner should consciously master the phonetics, morphology and linguistics of the studied foreign language and be able to use them in communication.

Таянч сўз ва иборалар: хорижий тил, таълим тили, моддий ва маънавий маданият, ўргатувчи, ўрганувчи, субъектив-маъноли мулоқот.

Ключевые слова и выражения: иностранный язык, язык обучения, материальная и духовная культура, учитель, изучающий, субсмысловое общение.

Keywords and expressions: foreign language, language of education, material and spiritual culture, teacher, learner, sub-meaningful communication.

Жаҳон миқёсида илғор таълим муассасалари хорижий тил машғулотларини самарали педагогик технологиялар, ёндашувлар билан бойитиш, талабаларнинг рекрутнинг талабларига ахборотлаштириш ва коммуникация шароитида интенсив фаолият юритувчи, юқори компетенцияга эга бўлиш заруратини юзага келтирмоқда. Чет тили ўқитишнинг жадаллаштирилган технологиялари ва техникаси, усуллари ва воситалари, жумладан, бунда ижтимоий-маданий омиллардан самарали фойдаланиш, анъанавий предметлаштирилган, тил шароитига чуқурлашув ва интенсивлашув, шахсий эмоционал-ҳиссий муносабат йўналишларида тадқиқотлар олиб борилиб, мазкур изланишларда хорижий тиллар бўйича талабанинг функционалиги ва коммуникатив таъсирини ошириш жараёнларига асосий объект сифатида қаралмоқда. Бунда ижтимоий-коммуникатив, маданий компетенциялар таркибини креатив фикрлаш

элементи асосида кенгайтириш, таълим-тарбия жараёнларида мавжуд анъанавий ўқитиш методлари ҳамда умумий маҳорат йўналишларини янгиланган интегративлик орқали акс эттириш ва қўллашнинг аҳамияти долзарб ҳисобланади.

Чет тилини ўрганиш давомида, инсон ўша тилда яратилган моддий ва маънавий маданият намуналари билан танишиб, индивидуал когнитив фаолиятининг ҳосиласи сифатида билим доирасини кенгайтиради. Бунинг натижасида, инсон миллатлар ва ҳудудлар, анъаналар ва қадриятлар ҳақида янги маълумотларга эга бўлади. Шунинг учун бўлса керакки, В.Жаров ва Ю.Таратухина “Педагогический конструктивизм в кросс-культурной среде” деб номланган монографияда маданиятлар классификациясини амалга оширишда бир қатор ёндашувлардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб ўтганлар [2,72-86]. Улардан чет тилини ўргатишда ҳам фойдаланиш дидактик мазмун касб этишини кўрсатиб, куйида ундан

Ф.Мирзараҳимова – Бешариқ тумани 26-умумий ўрта таълим мактаби инглиз тили фани ўқитувчиси.

муҳимларини келтириб ўтишни жоиз деб билдик: семиотик ёндашув, экзистенциал-маданий ёндашув, когнитив-лингвистик ёндашув, фаолиятли ёндашув, контекстли ёндашув, тизимли ёндашув. Мазкур ёндашувлардан чет тилини ўргатишда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Негаки, ҳар бир ёндашув аниқ мақсад ва мазмунга эга бўлиб, чет тилини ўрганиш жараёнининг самарадорлигини таъминлайди. Масалан, семиотик ёндашувнинг мазмуни бўйича маданият белгилар мажмуасидан таркиб топган ва улар воситасида ижтимоий ахборот сақланади, манзилга узатилади.

Инсон онги ва тафаккурини турли усул ва воситалар билан эгаллаш учун кўплаб деструктив кучларнинг интилиши кузатилаётган бир даврда, чет тилини ўргатиш ва ўрганиш ижтимоий-иқтисодий ва маданий-сиёсий мазмун касб этади. Бугунги кунда хорижий тилларни ўқитиш масаласининг долзарбланиши, биринчи навбатда, меҳнат бозорининг кенгайиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, касбий моделнинг эталони сифатида турли соҳа мутахассисларининг шахсига ихтисослик ва касбий сифатларнинг мужассамлашганлигига буюртмачи (иш берувчи) томонидан алоҳида эътибор берилаётганлиги, учинчидан, меҳнат сифатига (аниқлик даражаси, мазмундорлиги, долзарблиги ва б.) нисбатан талаб ошиб борилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу, ўз навбатида, таълим масаласига структуравий-функционал тарзда муносабатда бўлишни талаб этади.

Замонавий жамиятлар учун энг олий кадрятлардан бири сифатида эътироф этилган “инсон капитали” учун чет тилларини эркин билиш, чет тилларни ўзлаштириш қандай аҳамият касб этиши таҳлил қилинган. Инсон капитали (*Human Capital*) – инсон ва жамият манфаатларини руёбга чиқариш учун зарур бўлган билим, малака, кўникмалар йиғиндиси саналади. Унинг таркибий талабларига чет тилларни эркин билиш киритилади.

Тадқиқотчи Р.Самаровнинг таъкидлашича, “Таълим ўз тарихига эга бўлиб, ҳар бир минтақада мавжуд ресурслар ва мавжуд вазиятларнинг таъсири асосида ривожланган бўлиб, герменевтик маъно касб этади. Чунки таълим жараёнида субъектнинг асосий билиш жараёнлари сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича ўзгаради. Натижада таълим олувчи субъект нафақат англовчи

сифатида, балки ўз тажрибаларини изоҳлай оладиган (субъектив идрок этувчи, муносабат билдирувчи бўлиб шаклланади)” [4,9–15]. Агарда, изоҳлаш таълим тилида эмас, балки чет тилида (инглиз, хитой, француз, немис ва б.) амалга оширилса, бунда дунёнинг тил манзараси, аниқ тил воситасида тасвирланиб, ижтимоий ривожланишнинг маданий асоси такомиллашади. Бунда “Тил, инсонни дунё ҳақидаги билимини шакллантирувчи ва мавжудлигини таъминловчи муҳим восита” [2, 72–86] ҳисобланади. Инсон фаолияти давомида дунёда кечаётган турли жараёнлар динамикасини кузатиб, реалликни сўз воситасида баён этади. Бу ҳодиса билишнинг натижаси тарзида идрок этилади, С.Тер-Минасованинг таъбири билан айтганда “шу тарздаги билимлар мажмуаси дунёнинг тил манзарасини ташкил этади” (6,63), яъни борлиқни тасвирлаб берувчи воситага айланади.

Таълимнинг мақсади ҳар бир ижтимоий маконда мавжуд талаб ва эҳтиёжларни қондиришдан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Вазифалари эса, ўша маконда юзага келган маънавият соҳасида манфаатларни таъминлашга қаратилган бўлиб, бир қатор маърифий чора-тадбирлар ёки ҳаракатлар мажмуасидан ташкил топган бўлади. Бу жараёнда таълимни олиб бориш тили муҳим роль ўйнашини алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки таълим тили, турли даражаларда кадрятларни шакллантиради, уларнинг маъносини таъминлаш учун хизмат қилади. Ҳар бир тил, шу жумладан чет тили, миллий идрок тарзи асосида, дунёнинг тузилишини турли “ранглар жилоси” билан акс эттиради. Уша “ранглар жилоси”да манфаатлар, эҳтиёжлар, кадрятлар, кечинмалар, хотиралар, орзу-умидлар мужассамлашган бўлади. Шу сабабдан, хорижий тилларни ўқитишда контекстларнинг миллий маърифат ранглари билан бойитганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимки, уни таълимий манфаатларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, деб кўрсатсак хато қилмаган бўламиз. Негаки “алоҳида шахслар (гурӯҳлар) ўзларини қониқтирадиган, ўзларининг манфаатлари учун хизмат қиладиган ахборотни “ишлаб чиқариш”лари мумкинлиги кузатилади”[5, 25]. Бу ҳолат ўз навбатида турли ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Маданиятнинг “асосий устуни” табиий тилда мужассамланади. Тил, бирламчи моделлаштирувчи система ҳисобланиб, бошқа

барча маданиятларнинг элементлари иккиламчи система ҳисобланади. Ю.Лотманнинг таъкидлашича, “улар (иккиламчи системалар, яъни моддий маданият) табиий тилнинг намунаси асосида тузилган бўлади” [3,76]. Уларнинг функцияси эса ахборотни сақлаш ва системалаштиришдан иборатдир. Маданият функционалиги жиҳатидан, атроф–муҳитнинг тузилиши ва амал қилишини шакллантириб, моҳиятан турли намуналарни бирлаштирувчи ва ажратувчиси ҳисобланади. Яъни, маданиятни моддий ва маънавий жиҳатларга ажратиб, маънавий жиҳатнинг моддийлашувини белгилаб беради. Шу боис, дунёнинг маданий манзарасини унинг тил манзарасига таянмасдан, алоҳида тасвирлаб бўлмаса керак. Бизнингча, чет тилини ўқитишда семиотик ёндашув амалий мазмун касб этиб, ҳар бир белги маълум бир маданият тизимида ўзига хос мазмун касб этишини ўқитиш лозим.

Экзистенциал-маданий ёндашув эса, маданиятни борлиқ, вақт, табиат, дунё манзараси, белгилар-архетиплар, горизонтал/вертикал ўлчаш, дунёнинг яратилишини тушуниш каби жиҳатлар бўйича дифференциациялашни тақозо этади. Маданиятни шу тариқа дифференциациялаштириш чет тилини ўқитиш жараёнини, аниқроғи, машқлар намунасини келтириш ва уларни ечиш учун сарфланадиган вақтнинг маҳсулдорлигини таъминлайди. Масалан, қорақалпоқ миллий маданиятининг соҳибларида ўзаро муносабатлардаги тўғрилиқ, очиклик, бирсўзлик ва ваъдага вафо қилиш каби маданий элементлар муҳим маънавий боғловчи ҳисобланса-да, чет тилини ўқитиш (ўрганиш) давомида, уларнинг ментал хусусият сифатида иштироки чет тили таълими жараёнига қандай мазмун касб этиши илмий педагогик жиҳатдан ўрганишни талаб этади. Миллийлик, микромаданий (алоҳида) дунё кўринишида намоён бўлиши натижасида, уни идрок этиш жараёни қийин кечади, чунки миллий қадриятлар, миллий хотира, миллий ахлоқий меъёрларни амал қилишининг мақсади кўрсатилган бўлади. Бу, чет тилини ўргатишда, этномаданий омилларнинг психоллингвистик ва социоллингвистик каби таъсир даражасини, аниқроғи, маърифий жараёни шарҳлаб бериш дидактик вазифалар сирасига тааллуқли эканлигини кўрсатади.

Этномаданий хусусият ўз навбатида чет тилини ўргатувчидан (педагогдан) қиёсий-маданий ва қадриятли-ролли таҳлилни амалга оширишни талаб этади. Негаки, предметдан (жараёндан) умумий ва хусусий тафовутни ажратмай, уларни бошқа бир ташувчига (таълим олувчига) етказиш самарсиз кечади. Шу боис, маданиятнинг мақсад ва вазифлари, турлари, миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларининг структуравий таҳлилин амалга ошириб, уларнинг қиёсий шарҳини чет тилида (яъни, ўргатилаётган тилда) амалга ошириш тарбиявий аҳамият касб этади. Мазкур масала тадқиқот мавзуси шаклида (жумладан, чет тилини ўқитиш методикасида) қорақалпоқ маданияти мисолида алоҳида ўрганилмаган.

Чет тилини ўқитишда муҳим дидактик вазифа сифатида ўрганилаётган туркум маданиятнинг вариантлилиги ва турлитуманлилиги билан танишиш лозим. Бу, ўз навбатида, тил ўрганувчидан ўз миллий маданияти ва ўрганилаётган чет тилида сўзлашувчи халқлар маданияти ҳақида маълумот жамлаш, маданий элементларни англаш, улар таҳлилин амалга ошириш, умумлаштириш, гуруҳларга ажратишни тақозо этади. Бу эса талабаларда ижтимоий-маданий воситалардан самарали фойдаланган ҳолда маданиятлараро мулоқот маданиятини ҳам юқори даражада шакллантиришни тақозо этади. Шу ўринда, германиялик социоллингвистик олим Элс Оксаарнинг қуйидаги иқтибосини келтириш масалага оидинлик киритади: “Хорижлик суҳбатдош билан мулоқот чоғида ўша халқнинг маданиятини билмаганлиги туфайли йўл қўйилган хато ҳар қандай грамматик ёки лексик қўпол хатодан ҳам ёмон”. Яъни, суҳбат давомида грамматик ёки лексик хатони дарҳол англаб, ўз ўрнида тўғрилаб кетиш мумкин, аммо хорижлик суҳбатдошнинг маданий меъёрларидан беҳабар бўлиш тушунмовчиликларга, нотўғри талқин қилиш, ҳатто ўзаро муносабатларнинг ёмонлашуви ёки тугатилишигача олиб келиши мумкин.

Америкалик культуролог олимлар Альфред Кребер ва Клайд Клакхон “маданият” тушунчасининг 150 дан ортиқ маъноларини топиб, таҳлил қилганликлари бу атаманинг ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида қўлланилишидан далолат беради, бироқ нидерландиялик социолог олим Герт Хофстеде ўтган асрнинг 60-70 йилларида олиб борган дунё халқлари маданиятини қиёсий ўрганиш асосидаги изланишлари натижасида

“маданият” тушунчасининг антропологик маъноси маданиятлараро мулоқот фанининг асосий объект эканлигини белгилаб берди. Яъни унга кўра, маданият – ҳар бир халқ, ижтимоий ёки этник гуруҳнинг маълум бир меъёрлар доирасида бирлашиши, ўйлаш тарзи, фикрлаши ва юриш-туриши. У ҳар бир халқ маданияти моделини пиёзга қиёслайди, яъни унинг бир неча, кўринадиган ва кўринмайдиган қаватлари мавжуд, икки тил, халқ вакиллари ҳам ўзаро биринчи мулоқот вақтида суҳбатдоши маданияти ҳақида илк тасаввурга эга бўлади, яъни бир қарашда кузатиш мумкин бўлган жиҳатларини, кийиниши, ўзини тутиши, муомаласи, соч турмаги ва ҳоказоларни кўра олади, холос. Бироқ бу халқнинг кадриятлари, миллий қахрамонлари, рамзлари, маданий меъёрларини бир қарашда кўриш имкони бўлмайди.

Ҳар бир халқнинг ўз маданий меъёрлари бўлганлиги сабабли бир халқнинг меъёрлари иккинчи халқ меъёрларига тўғри келмайди, бу, ўзаро маданиятлараро мулоқот чоғида тушунмовчиликка, нотўғри талқинга олиб келиши мумкин. Муаллиф томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар доирасида ўзбек-немис маданиятлараро мулоқотида юзага келадиган ўхшашлик ва тафовутларни аниқлаш мақсадида немислар ҳамда ўзбеклар ўртасида учрашувлар ўтказилиб, дастлабки фарқли, тушунмовчиликларни юзага келтириш эҳтимоли бўлган вербал ва невербал тафовутлар аниқланди. Қуйида улардан мисоллар келтирамиз: ўзбекистонлик етакчи тадбиркорлар Германияга танишув сафари билан борадилар. Сафар дастурида таниқли немис тадбиркори билан учрашув белгиланган эди. Тадбиркорларимиз бу учрашувга бораётиб, машҳур тадбиркор меҳмонларни алоҳида тайёргарлик, меҳмондўстлик ва тантана билан кутиб олади, деган умидда эдилар (чунки бизнинг маданий меъёрларга кўра, меҳмон кутаётган жойга алоҳида эътибор берилади, бу, меҳмонга бўлган ҳурматни англатади). Ўзбек тадбиркорлари автобусдан тушиб, қурилиш бўлаётган майдондан ўтиб, унинг офисига киришади. Конференция уносида уларга бир дона қалам совға қилинади, немис ишбилармони эса эришган ютуқлари, компанияни юксалтиргани тўғрисида маъруза қилади, лекин у бизнинг ишбилармонларни ҳайратда қолдира олмайди. Изоҳ: бу ерда муаммо нимада? Асосий муаммо – ўзга халқ маданий меъёрларидан беҳабар бўлиш. Муаллифлар

томонидан ўтказилган сўровномалар натижасида аниқландики, немис халқи учун суҳбатдошга ютуқ сифатида кўрсатадиган энг муҳим жиҳат – ҳаётда ўз кучи билан эришган ютуқлари ҳисобланса, бизнинг маданиятда эса биринчи учрашувда суҳбатдошга меҳмондўстликни юқори савияда кўрсатиш муҳим саналади.

Чет тилини ўзлаштириш жараёни анъанавий, замонавий ҳамда фаол таълим услуби ва усуллари воситасида аудио-видео материаллар ёрдамида таъминланган тарзда кечса, ўзлаштириш кўрсаткичининг (муваффақиятга эришиш тести бўйича балл ҳисобида) самарадорлиги таъминланади. Бу жараёнда ўқув материалларини ўзлаштириш таълимий-коммуникатив, яъни диалог тарзида ўтилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда субъектив-маъноли мулоқот, чет тилини ўзлаштирувчининг шахс сифатида ўзлаштирган луғавий сўзларини амалиётда қўллаш олиш воситаси ҳисобланади. Бунинг натижасида, тил ўрганувчида нафақат ижтимоий жараёнларга нисбатан, балки маданий жараёнлар билан боғлиқ ҳодисаларга ўз нуқтаи назари шаклланиб боради. А. Батаршев “мулоқот турли вазифаларни бажариши билан бирга, шахснинг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади” [1,48], деб муносабат билдирган. Шу сабабли талабаларда чет тилини ўрганиш мақсадини тўғри шакллантириб, асосий эътиборни инсоннинг маънавий етуқлигига қаратиш лозим. Бу, ўз навбатида, чет тилини ўқитишда миллий-маданий омилдан мажмуа тарзида фойдаланишни тақозо этади. Чет тилини ўқитишда тил ўрганувчиларнинг ўз тилида яратилган маънавий меросдан фойдаланиб, маиший ва ижтимоий муносабатларда уларнинг амал қилишини, ўрганилаётган чет тилида шарҳлаб беришни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун таълимий – ривожлантирувчи тренинглардан фойдаланиб, миллий маданиятнинг таркибий қисмларини изоҳловчи тушунчаларни индивидуал шарҳлашни йўлга қўйиш самарали натижалар беради.

Чет тилини ўқитишда қуйидаги ижтимоий-маданий миллий-маънавий, омилларнинг аҳамиятли эканлиги аниқланди:

- ижтимоий фаол, баркамол шахс тарбиясини бош мақсад қилиб қўйиш, таълим-тарбия жараёнининг илмийлиги, тарихийлиги ва миллийлигига эътибор қаратиш, педагогик жараённи таълим-тарбия субъектларига нисбатан гуманизм, демократизм ва тенглик гоёлари асосида ташкил қилиш;

- миллий ва умуминсоний маънавий кадриятларнинг узвийлигини таъминлаш, талаба-ёшларнинг ижтимоийлашуви ҳамда индивидуаллашуви жараёнларини кенг ривожлантириш;

- таълим-тарбия жараёнини демократик тамойиллар асосида ташкил қилиш, унинг халқчиллиги, эркинлиги, очиқлиги (транспарентлиги), озодлиги, тенглиги тамойиллари асосида ташкил қилинишини таъминлаш;

- таълим жараёнида шахс такомил учун зарур педагогик шарт-шароитлар ва таълим-тарбия муҳитини ташкил қилиш, талаба-

ёшларнинг фуқаролик жамияти тараққиётидаги ўрни вазифалари масалаларига уларнинг эътиборини жалб этиш;

- миллий ғоя ва мафкура тарбиясининг узвийлиги ва узлуксизлигига риоя этиш, талаба-ёшларнинг мутахассис сифатида рақобатбардошлик мезонларини эгаллашларига кўмаклашиш, миллий ўзликни англаш, мультикультурализм, маданиятлар ранг-баранглиги тамойилларининг ҳаётий жараёнларда фаол қўлланилишига эришиш кабилар.

Адабиётлар:

1. Батаршев А.В. Психодиагностика способности к общению, или Как определить организаторские и коммуникативные качества личности. – М., 1999.
2. Жаров В.К., Таратухина Ю.В. Педагогический конструктивизм в кросс-культурной среде. – М.: Янус-К. 2015.
3. Лотман Ю. М. Культура и взрыв. – М.: Гнозис; Прогресс, 1992.
4. Самаров Р. Таълим мазмунини белгилашнинг структуравий-функционал жиҳатлари (Шахсга йўналтирилган таълим мисолида) // Замонавий таълим. – 2015, 12-сон.
5. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услугий қўлланма). – Т.: Университет, 2015.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор)